



"ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИДА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ"

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Абдувоҳобов Муроджон Қобилжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 220-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14938703>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 27th February 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
маъмурий ҳуқуқбузарлик, давлат
органлари, ҳамкорлик,
ҳуқуқбузарликларнинг олдини
олиш, суд, прокуратура, маҳаллий
ҳокимият, ҳуқуқий тартиб,
профилактик ишлар, маъмурий иш
юрителиши.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспектори фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш жараёнида давлат органлари билан ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинади. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва бартараф этишда суд, прокуратура, маҳаллий ҳокимият ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро мувофиқлашган фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Мақолада ушбу ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, учрайдиган муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар баён этилади. Шунингдек, профилактика инспекторларининг самарали ишлашини таъминлаш учун ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш йўллари кўрсатилади.

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш

бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти. Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши самарали курашишнинг асосий йўналишларидан бири бу уларнинг олдини олишдан иборат. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда профилактика инспекторларининг ўрни муҳим бўлиб, улар жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда асосий фигуралардан бири ҳисобланади. Улар маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ва тегишли чора-тадбирларни кўришда суд, прокуратура, ички ишлар органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун тўла ишонч билан, авваламбор, ички ишлар органларига, профилактика инспекторларига мурожаат қилишига, ҳар бир ходимда ўз ғимоячисини кўришига эришиш зарур. Шундагина ички ишлар органлари халқ ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонади”, деган сўзлари юқоридаги фикрларимизнинг исботи ҳисобланади. Президентимизнинг мазкур сўзлари ҳар бир профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятида, қолаверса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш жараёнида қатъий принципга айланиши даркор.

Ушбу мақолада профилактика инспектори фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда давлат органлари билан ҳамкорлик масалалари таҳлил қилинади ва уни такомиллаштириш йўллари таклиф этилади.

Профилактика инспектори маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарликка доир нормалар, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги назарий билимлар ҳамда мазкур нормаларни амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Ўрганилаётган нормаларга тўхталишдан аввал ҳуқуқбузарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик каби тушунчаларга аниқлик киритиш зарур. Чунки ҳар бир профилактика инспектори содир этилган қилмишнинг маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик эканлигини ҳамда содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлай олиши лозим.

Бугунги кунда айнан профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-салбий омиллар ҳамда сабабларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ўта муҳим ва мураккаб топшириқларни бажариш ваколатлига эга. Шунингдек, профилактика инспекторлари аниқланган ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан дастлабки маълумотларни тўплаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишида айбдор бўлган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва ишга алоқадор бўлган бошқа шахсларни аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далил ва ашёларларни тўплаш билан шуғулланадилар. Профилактика инспектори содир этилган қилмишда маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича асослар етарли деб топган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Жиноят кодекси”¹нинг 14-моддасига кўра ушбу кодекс билан тақиқланган айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказилишининг реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади. “Маъмурий ҳуқуқбузарлик” тушунчасига Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”²нинг 10-моддасида аниқ таъриф берилган. Унга кўра “маъмурий ҳуқуқбузарлик” деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу жараёнларда профилактика инспекторлари суд, прокуратура, ички ишлар органлари, маҳаллий ҳокимият, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиши зарур.

Профилактика инспекторларининг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа давлат органлар билан ҳамкорлигининг аҳамияти.

Ҳамкорлик – иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш. Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш. Ҳамкорлик қуйидаги тўрт йуналишда амалга оширилади:

- а) ички идоравий ҳамкорлик
- б) идоралараро ҳамкорлик
- в) жамоатчилик билан ҳамкорлик
- г) халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб берилган. Буларга

- 1) ички ишлар органлари; 10-модда
- 2) прокуратура органлари; 11-модда
- 3) Давлат хавфсизлик хизмати органлари; 12-модда
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари; 121-модда
- 5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари; 122-модда
- 6) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; 123-модда
- 7) адлия органлари; 13-модда
- 8) давлат божхона хизмати органлари; 14-модда
- 9) давлат солиқ хизмати органлари; 15-модда
- 10) меҳнат органлари; 16-модда
- 11) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; 17-модда
- 12) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; 18-модда
- 13) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари; 19-модда
- 14) Ёшлар ишлари агентлиги

Қонун билан белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларни улар фаолиятининг мазмунига кўра иккига: ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза

¹ Ўзбекистон Республикаси “Жиноят кодекси”, 2024 й <https://lex.uz/docs/111453>

² Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”, 2024 <https://lex.uz/docs/97664>

қилувчи органлар; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа органларга ажратиш мумкин

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича самарали иш юритиш учун профилактика инспекторлари қуйидаги давлат органлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши лозим:

Прокуратура органлари билан:

– прокуратура органлари ходимлари ҳамда профилактика инспекторининг ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонунда белгиланганидек, прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Профилактика инспекторлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш билан бирга прокуратура органларига юклатилган вазифаларни бажаришга қўмаклашиш борасида ушбу органлар билан ҳамкорлик қиладилар.

Суд органлари билан:

– фуқароларнинг, жумладан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

– маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўлланилишини таъминлаш;

– сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган беоморларни мажбурий даволаш муассасасига юбориш;

– “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида кўрсатилган тоифадаги шахслар, жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган, эҳтиёт чораси қўлланилган ва асосий жазо қўлланилмасдан айбдор деб топилганларни ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олиш;

– вояга етмаган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ёки ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган алоҳида тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш;

– туман, шаҳар ҳудудида содир этилган айрим жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар судлар томонидан жойлардаги сайёр мажлисларда кўриб чиқиш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш..

Маҳаллий ҳокимият органлари – жойларда профилактик тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

Жамоат ташкилотлари – фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қўмаклашади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари фаолиятида давлат органлари билан ҳамкорлигини белгиловчи қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлар мавжуд. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-

қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони
Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4006-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони.

Ушбу меъерий ҳужжатлар профилактика инспекторларининг ваколатлари ва давлат органлари билан ҳамкорлик тартибини белгилаб беради.

Профилактика инспекторлари ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун қуйидаги чоралар таклиф этилади:

биринчи. Ахборот алмашинувини яхшилаш – маъмурий ҳуқуқ-бузарликлар бўйича маълумотлар базасини такомиллаштириш ва тезкор маълумот алмашиш механизминини жорий этиш.

иккинчи. Қонунчиликни такомиллаштириш – профилактика инспекторларининг иш юритиш жараёнларини соддалаштириш.

учинчи. Мутахассислар малакасини ошириш – профилактика инспекторлари ва давлат органлари ходимлари учун доимий ўқув курслари ва малака ошириш тренингларини ташкил этиш.

тўртинчи. Жамоатчилик иштирокини ошириш – аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва профилактика ишларига жалб қилиш.

Профилактика инспекторларининг давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши жамиятда ҳуқуқбузарликларни камайитириш ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш орқали профилактика ишлари янада самарали ва тизимли йўлга қўйилиши мумкин. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жамиятда тинчликни таъминлашга хизмат қилади.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси “Жиноят кодекси,
4. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4006-сон қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “ИИОларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони.
16. Nizomiddin. R. va Babaxonov. H. Q. (2024). FIRIBGARLIK JHINOYATLARI PROFILAKTIKASINI TOSHKIL ETISH TARTIBI. Indeksplash , 2 (11).